
Фурқат туманида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича семинар ўтказилди|Алиқуловлар оиласи томорқадан мавсумда 70 млн сўм даромад топмоқда

Фурқат тумани фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан туманда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, очиқ ва ёпиқ майдонларда маҳсулот етиштириш бўйича семинар ташкил этилди.

Унда соҳа мутахассислари ва томорқачилар иштирок этишди.

Ушбу семинардан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ўз томорқаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, уларга амалий кўникма ва илмий асосланган билим бериш, фуқароларнинг ўз томорқасидан даромад олишдан иборатдир.

Иштирокчилар "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини "Темирийўлчи-9" кўчасида истиқомат қилувчи Алиқулов Абдуллажон хонадонидан бўлиб, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича сирларини ўрганишди.

Алиқуловлар оиласи 8 сотих томорқадан унумли фойдаланиб, бир йилда 3 мартаба ҳосил олмоқда. Томорқанинг 5 сотих қисмида иссиқхона мавжуд. Иссиқхонадан ўтган йили 60 млн сўмдан зиёд соф даромад олишган. Феврал ойи ўрталарида иссиқхонага экилган помидордан ҳозирги кунгача 30 млн сўмдан даромад олишган бўлса, яна ўртача 40 млн даромад олишни кўзлашмоқда.

Абдуллажон ака томорқадан яхши даромад усуллари ва бунинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида семинар иштирокчиларига сўзлаб берди.

2023-05-19 16:34:59